


**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT
VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA
VA SPORT UNIVERSITETI**



**MAMLAKATIMIZDA JISMONIY TARBIYA
VA OMMAVIY SPORTNI
RIVOJLANTIRISHNING ILMIYUSLUBIY
ASOSLARI**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI
2024-yil 23-oktyabr**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRLIGI

**O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA
SPORT UNIVERSITETI**

**“MAMLAKATIMIZDA JISMONIY TARBIYA VA
OMMAVIY SPORTNI RIVOJLANTIRISHNING
ILMIYUSLUBIY ASOSLARI”**

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

2024-yil 23-oktyabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRLIGI

**O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA
SPORT UNIVERSITETI**

«SPORT PSIXOLOGIIYASI VA PEDAGOGIKA»

**“SPORTCHILARNI PSIXOFIZIOLOGIK HOLATINI
O‘RGANISH MUAMMOLARI” mavzusidagi
Respublika ilmiy-amaliy anjumani
2024-yil 23-oktyabr**

Chirchiq – 2024

qadar ko'plab mutaxassislar, tadqiqotchi olimlar ilmiy-izlanishlar olib borishgan. Biroq, ko'pchilik olimlarning ilmiy izlanishlari asosan umumiy tarzda sportni va bolalar sportini rivojlantirishga qaratilgan. Shu bois ham xotin-qizlar sportini yanada rivojlantirish va bu jarayonni boshqarish tizimini takomillashtirish borasida ilmiy izlanishlar olib borish bugungi kunning o'ta dolzarb vazifalaridan biridir.

Tadqiqotning obyekti: Yangi O'zbekistonda xotin-qizlar sportiga bo'lgan e'tibor va uni rivojlantirish jarayonlari.

Tadqiqotning predmeti: Yangi O'zbekistonda xotin-qizlarning sportga bo'lgan munosabatini o'rganishda sotsiologik tadqiqotlardan samarali foydalanish uslubi-yatini ishlab chiqish.

Tadqiqotning maqsadi: Yangi O'zbekistonda xotin-qizlar sportini rivojlantirishda sotsiologik tadqiqotlardan foydalanishning ahamiyatini tadqiq etish hamda ulardan samarali foydalanish yo'llari va usullarini ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi. O'zbekistonda xotin qizlarning sportga bo'lgan munosabatini o'rganishda psixologik tadqiqot usullaridan foydalanish zaruriyati ilmiy asoslangan, sotsiologik tadqiqotda tanlash va hujjatlarni tahlil qilish metodlari tahlil qilingan, xotin-qizlarning jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan munosabatini o'rganishda qo'llanadigan sotsiologik tadqiqot metodlari tadqiq etilib, O'zbekistonda xotin-qizlar sportini rivojlantirishda sotsiologik tadqiqotlardan foydalanishning ahamiyati ko'rsatilgan.

Tadqiqotning ilmiy farazi. O'zbekistonda xotin-qizlar sportini rivojlantirishda psixologik tadqiqotlardan foydalanishning ahamiyati tadqiq etilib, ulardan samarali foydalanilsa xotin-qizlarni sportga yanada kengroq jalb qilish imkoniyatlari ortadi.

Tadqiqotning metodologik va nazariy asoslari. Mamlakatimizda xotin-qizlar sportini rivojlantirish borasidagi Xukumat va Oliy Majlis tomonidan chiqilgan Qaror va Qonunlar, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti nutqlari va asarlarida ko'rsatib o'tilgan tavsiya va yo'riqlardan iborat.

Tadqiqotning ilmiy-amaliy ahamiyati: Tadqiqotlar jarayonida to'plangan ilmiy ma'lumotlar, keltirilgan xulosalar hamda amaliy tavsiyalardan xotin-qizlar orasida sportni yanada ommalashtirish hamda xotin-qizlar sportini boshqarish bilan bog'liq jarayonlarda keng foydalanish mumkin.

Tadqiqotning usullari. O'zbekistonda xotin-qizlar sportini rivojlantirishda sotsiologik tadqiqotlardan foydalanishning ahamiyatini o'rganishda xolislik, hayotiylik, haqqoniylik, tarixiylik, ilmiylik tamoyillari asosida yondashish magistrlik dissertatsiyasining nazariy-metodik negizini tashkil etadi. Shuningdek, tadqiqot jarayonida kuzatish, qiyoslash, analiz, sintez, induksiya va deduksiya usullaridan keng foydalanish ko'zda tutilgan.

Xulosa

Bizga ma'lumki faqatgina moddiy sharoitlarning o'zi jismoniy tarbiya va sportni rivojlanishiga olib kelmaydi. Bu borada xalqning sportga bo'lgan qiziqishini o'rganish, unga ta'sir qiluvchi omillarni o'rganib borish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtayi nazardan xotin-qizlarning sportga bo'lgan munosabatlarini o'rganishda sotsiologik tadqiqot metodlaridan foydalanish, sport turlari xususiyatlaridan kelib chiqan holda to'g'ri tanlash hamda qo'llash ham muhimdir. Umuman, sportga bo'lgan munosabatni o'rganishda sotsiologik tadqiqot usullaridan foydalanishning ahamiyatini

quyidagilar bilan izohlash mumkin: birinchidan, sportga bo'lgan qiziqishni o'rganish jarayonida sotsiologik tadqiqotlarni qo'llash zarur ma'lumotlarni to'plashda o'z ahamiyatini ko'rsatadi; ikkinchidan, aholi yosh darajalariga ko'ra jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan munosabatini, o'rganishda sotsiologik tadqiqot metodlaridan keng miqyosda foydalanish mavjud holatni aniqlash imkoniyatini beradi; uchinchidan, jismoniy tarbiya va sport faoliyatida shaxsning xususiyatlari uyg'unlashadi; to'rtinchidan, xotin-qizlarning o'ziga xos qiziqishlari va dunyoqarashga egaligi ularga alohida yondashishni, ularning bu boradagi harakatlarini o'rganib borishni talab qiladi. Shuningdek, sotsiologik tadqiqotlar orqali joylarda sport turlari bo'yicha yuzaga kelayotgan muammolarni va ularning sabablarini aniqlash hamda tadqiq etish imkonini beradi. Sotsiologik tadqiqot metodlari orqali aholining jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan munosabati va qiziqishini o'rganib borish, tegishli taklif va tavsiyalar ishlab chiqish mamlakatda jismoniy tarbiya va sportning keng miqyosda rivojlanishiga olib keladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Qosimova, G. (2019). "O'zbekiston sporti va gender tengligi"
2. Gill, D. L. (2001). "Gender and Sport Behavior". Journal of Sport Behavior, 24(1), 1-14
3. Weinberg, R. S., & Gould, D. (2014). "Foundations of Sport and Exercise Psychology". Human Kinetics.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ЖТСИТИ мустақил тадқиқотчиси
Султонов Алишер Исмоилович

Аннотация: Муаллиф белбоғли курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигининг илмий методик жиҳатларини ёритиб беришда жисмоний сифатларнинг аҳамиятини ҳамда техник усулларга яқин бўлган ҳаракатлар мажмуаси орқали кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини оптималлаштирган.

Калит сўзлар. Спорт, белбоғли кураш, техника, тактика, мусобақа, такомиллаштириш, методика, ривожлантириш, усул, ҳаракат.

Аннотация: Автор подчеркнул значение физических качеств и процесса приобретения навыков и умений посредством комплекса действий, близких к техническим приемам, а также выделил научно-методические аспекты технико-тактической подготовки борцов на поясах.

Ключевые слова. Спорт, борьба на поясах, техника, тактика, соревнование, совершенствование, методика, развитие, метод, действие.

Аннотатион: The author highlighted the importance of physical qualities and the process of acquiring skills and competencies through a complex of actions close to

technical methods while highlighting the scientific and methodological aspects of the technical and tactical training of belt wrestlers.

Keywords. Sport, belt wrestling, technique, tactics, competition, improvement, methodology, development, method, action.

Долзарблиги. Республикамизда белбоғли кураш спорт турига қаратилаётган эътибор ниҳоятда беқиёсдир. Айниқса халқимиз орасида ушбу миллий спорт тури билан шуғулланадиганлар сони ҳам ниҳоятда кўплиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам белбоғли кураш спортида илмий назарий жиҳатдан кўплаб муаммолар этарли даражада ўрганилмаганлиги айниқса белбоғли курашчиларнинг техник-тактик усулларнинг ҳимоялари ва нозик томонлари батафсил ўрганиш замон талаби даражасида долзарблиги билан ажралиб туради.

Белбоғли кураш тактикаси - бу беллашувлар ва мусобақаларда юзага келган муайян вазиятларда рақиб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник ирода ва жисмоний имкониятлардан моҳирона фойдаланишдир. Ҳужум учун тайёргарлик ҳаракатлари - бу ҳужум ҳаракатини бажариш учун зарур бўлган рақибнинг кутилаётган ва ҳимояланиш ҳаракатини келтириб чиқариш мақсадида бажариладиган белбоғли курашчининг ҳужум ҳаракатларидир. Тактик тайёргарлик усуллари - белбоғли курашчи ҳаракатлари бўлиб, улар ёрдамида у ҳужум ёки қарши ҳужум учун қулай шароитларни яратади. Разведка - белбоғли курашчининг рақиб тўғрисида маълумот олишга қаратилган тактик ҳаракатларидир.[1;2;3;7] Ниятни яшириш - белбоғли курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, унинг ёрдамида у рақибдан ўзининг асл ниятларини яширади. Хавф солиш - белбоғли курашчининг рақибни ҳимояланишга ўтишга мажбур қилувчи тактик ҳаракатидир. Алдамчи ҳаракат (алдаш - ҳужум қилувчи томонидан охирига етказилмайдиган ва рақибни ҳимояланишга мажбур қиладиган усуллар, қарши усуллар, ушлаб олишлар, силташлар, туртишлар ва бошқа ҳаракатлар. Оўшалоқ алдаш - белбоғли курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, ҳақиқий усулни рақибга алдамчи усул сифатида кўрсатади. Чорлаш - белбоғли курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, шу орқали у рақибни фаол ҳаракатларга ўтишга мажбур қилади. Тесқари чорлаш - белбоғли курашчининг тактик ҳаракати унинг фаол ҳаракатларини тўхтатиб, рақибни ҳам шундай ҳаракатларга чорлаш мақсадида амалга оширадиган ҳаракат. Чеклаб кўвиш - белбоғли курашчининг рақиб ҳаракатлари эркинлигини чеклаб қўядиган тактик ҳаракатлар. Такрорив ҳуиум - бир хил ҳаракатлами кетма-кет бажаришдан иборат бўлган тактик ҳаракат. Ушбу кетма-кет уюштирилган ҳаракатлар ичида фақат охиригиси ҳал этувчи қолганлари эса алдамчи ҳаракат ҳисобланади. Мувозанатдан чиқариш - белбоғли курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, у рақибни номустаҳкам ҳолатни эгаллашга мажбур қилиш билан бирга курашчига ҳужумни бажариш учун қулай вазиятни яратади. Юқорида санаб ўтилган тушунчалар ва терминлар белбоғли кураш назарияси ҳамда усулиятида кенг қўлланилади. [4;5;6]

Тадқиқотнинг мақсади. Белбоғли курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигининг тизза ёрдамида тўсиб ташлаш усулини ўргатишнинг илмий методик жиҳатлари ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг ташкил этилиши. Таҷриба натижалари Чирчиқ давлат педагогика институтининг 1-2- босқич талабаларининг ўқув машғулоти жараёнида олинди. Белбоғли курашчиларнинг техник ҳаракатларга ўргатишда ҳар бир техник элементларни аввал яхлитлигича кейин қисмларга бўлиб ўргатиш тамойили асосида олиб борилди. Тизза ёрдамида тўсиб ташлаш усулини техникасини ўргатишда аввал ўша усулга яқин ҳаракатларни бажариш сўнгра “тизза ёрдамида тўсиб ташлаш” техникасини бажаришда объектив қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.


Таҷриба ва назорат гуруҳларининг эксперимент бошидаги ва охирида 10 сонияда тизза ёрдамида тўсиб ташлаш натижалари

№	Таҷриба гуруҳ			Назорат гуруҳ		
	ФИШ	ТБ	ТО	ФИШ	ТБ	ТО
1	Аб-Л	4	7	Ах-З	4	5
2	Ар-Х	5	6	Ак-А	6	6
3	Бе-М	3	6	Бо-Б	4	5
4	Де-Р	5	7	Бе-Д	5	5
5	Ё-Т	4	5	Ва-К	5	5
6	Жа-О	6	8	Ду-Н	7	8
7	Зу-Д	2	5	Да-Ж	4	6
8	Ма-М	3	6	Му-И	4	6
9	На-Р	3	7	Му-Х	5	7
10	Ха-Ф	4	7	Яа-Р	5	5
	$\bar{X}$	3,9	6,4		4,9	5,8
	σ	1,19	0,96		0,99	1,03
	V	30,6	15,09		20,29	17,8
	t	5,17			1,99	
	P	<0,001			>0,05	

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики таҷриба ва назорат гуруҳидаги шуғулланувчи белбоғли курашчиларнинг 10 сонияда тизза ёрдамида тўсиб ташлаш натижалари ифодаланган.

Олинган натижаларга эътибор билан қарайдиган бўлсак тадқиқот бошида назорат гуруҳидан олинган кўрсаткичлар $\bar{X}$ 4,9 марта сигма кўрсаткичи 0,99 вариация кўрсаткичи эса 20,29 фойз эканлиги аниқланди. Таҷриба гуруҳида ушбу кўрсаткичлар $\bar{X}$ 3,9 сигма кўрсаткичи 1,19 вариацияси 30,6 фойз эканлиги таҷрибаларда тасдиқланди. Индивидуал кўрсаткичарга назар соладиган бўлсак назорат гуруҳида энг яхши натижани Ду-Н таллуқли бўлиб 7 мартагача бажарганини кўриш мумкин. Минимал кўрсаткични 4нафар респондентлар 4 тадан бажаришга муваффақ бўлишди. Таҷриба гуруҳида эса максимал кўрсаткични Жа-О қайд этган унинг кўрсаткичи 6 маротаба ташлашга эришган. Минимал кўрсаткични эса Зу-Д га тегишли бўлиб у бор йўғи 2 маротаба ташлашга эришган. Умуман олганда таҷриба бошидаги кўрсаткичлар орасида ишончлилик даражаси деярли сезилмади. 6 ойлик педагогик экспериментдан

сўнг тажриба якунидаги кўрсаткичларга қарайдиган бўлсак назорат гуруҳида ҳам тажриба гуруҳида ҳам ижобий ўсишлар кузатилди. Назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар умумий ўртача 5,8 маротабага яхшиланганлигини кўриш мумкин. Сигма кўрсаткичи эса 1,3 вариация 17,8 фойз эканлигини юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин. Тажриба гуруҳида юқоридаги кўрсаткичлар қуйидагича бўлди умумий ўртача кўрсаткич 6,4 яхшиланганлиги, сигма 0,96 вариация эса 15,09 фойз эканлигини кўриш мумкин. Тажриба якунидаги кўрсаткичларни индивидуал тарзда таҳлил қиладиган бўлсак, назорат гуруҳида максимал кўрсаткич Ду-Н 8 маротабагача минимал кўрсаткич беш нафар респондентларда 5 маротабагача эканлиги аниқланди. Тажриба гуруҳида максимал кўрсаткич Жа-О таллуқли бўлиб унинг натижаси 8 маротаба бажара олганлигини кўриш мумкин. Минимал кўрсаткични икки нафар респондентларда Зу-Д ҳамда Ё-Т қайд этилгани уларнинг натижалари 5 маротаба эканлигини юқоридаги жадвалдан кўриш мумкин. Юқоридаги кўрсаткичларни қуйидаги расмдан янада яққолроқ кўриш мумкин.



1-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг тадқиқот бошидаги ва охиридаги кўрсаткичларнинг график тасвири

Юқоридаги расмдан кўрниб турибдики тажриба ва назорат гуруҳларининг эксперимент бошидаги ва охиридаги индивидуал кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси ифодаланган. Расмда яшил ва қизил рагда тажриба гуруҳининг кўрсаткичлар динамикаси ифодаланган кулранг билан эса назорат гуруҳининг натижалар динамикаси берилган. Бизнинг 6 ойлик педагогик экспериментимиздан сўнг тажриба гуруҳининг кўрсаткичлари тажриба бошидагига нисбатан ишончли $P < 0.001$ эканлиги тадқиқотларда ўз аксини топди.

Хулоса. ўрганилган илмий услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики айнан белбоғли кураш билан шуғулланувчи спортчиларнинг техник – тактик

тайёргарлигида 10 сонияда тизза ёрдамида тўсиб ташлаш усулини белгиланган вақт оралиғида бажариш ҳамда ушбу усулни ўргатиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида малумотларни деярли учратмадик.

Шуғулланувчиларнинг алоҳида хусусиятларига мувофиқ ва уларнинг жисмоний тайёргарлиги ошишини ҳисобга олган ҳолда ўрганилган техник ҳаракатларни янги элементлар (тактик тайёргарлик усуллари, ушлаб олишлар, якунловчи фазалар) билан бойитиш ҳисобига мусобақа беллашувларида ўрганилган техник ҳаракатнинг етарли даражада барқарорлиги ва вариантлилиги, ишончилиги ва тежамлилигини таъминлаш имкониятини беради.

Белбоғли курашчининг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлиги кўп жиҳатдан диққатнинг ривожланганлиги, унинг ҳажми, жадаллиги, тақсимланиши ва биридан иккинчисига ўтиши билан белгиланади. Курашчи рақибнинг мураккаб ва тез ўзгарувчан ҳаракатларида кўп сонли турли техник-тактик ҳаракатларни илғаб олади. Диққатнинг бу хусусияти унинг ҳажми билан тавсифланади. Шу билан бирга курашчи энг асосий қисмларга диққатни жамлашни ўрганиши лозим. Бу диққатнинг шиддатига тааллуқлидир, ҳар хил чалғитишлар ва алдамчи омиллар таъсирига қарши туриш малакаси диққатнинг барқарорлигидан далолат беради

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Артиков, З. С. (2022). 13-14 ЁШЛИ БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ КУЧ СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ. Ссиентифис прогресс, 3(1), 598-603.
2. ГаппаровиЧ, Г. З., МавлонбоевиЧ, И. Ж., & ХамиджоновиЧ, Х. О. (2022). СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. УЗБЕКИСТОНДА ФАНЛАРАРО ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ, 2(14), 284-289.
3. Иштаев, Ж. М. (2022). Мактаб ёшидаги қизларнинг портлаш қобилият кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили (1-11 синфлар мисолида). Фан-Спортга, (1), 46-48.
4. Гаппаров, З. Г., Иштаев, Ж. М., Хасанов, О. Х., & Хасанов, О. А. (2022). СУЩНОСТЬ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ. Централ Асиан РесерЧ Жоурнал фор Интердисциплинарй Студиес (САРЖИС), 2(11), 483-488.
5. Гаппаров, З. Г. (2021). ПОРТЛАШ ҚОБИЛИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШДА “СПОРК” МОСЛАМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИГИ. Фан-Спортга, (4), 3-5.
6. Гаппаров, З. Г., Иштаев, Ж. М., Иштаев, Д. Р., & Ҳолмуродов, Л. З. (2020). Еффисиенсй Девелопмент Ехплосиве Абилитиес ат СЧоолбойс оф 12-13 Еарс. Солид Стате ТеЧнологй, 63(4), 348-353.
7. Бегматова Д. ет ал. Усе оф едусатионал теЧнологиес ин теаЧинг тхе басисс оф нанопхйсисс, наноматериалс анд нанотеЧнологиес //Ресулц ин Оптисс. – 2024. – С. 100717.

<i>Toshmatov X.</i> BOSHLANG'ICH TAYYORGARLIK BOSQICHIDAGI O'Q OTUVCHILARNING MAXSUS JISMONIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISH METODLARI	180
<i>Toshmatov X.</i> O'Q OTUVCHILARNING JISMONIY RIVOJLANISHI VA JISMONIY TAYYORGARLIK DARAJASINI BAHOLASH MEZONLARI	183
<i>Turobov H.</i> 10-12 YOSHLI STOL TENNISCHILARNING JISMONIY TAYYORGARLIGIDA YORDAMCHI MASHQLAR KOMPLEKSIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI	186

VI SHO'BA. ADAPTIV JISMONIY TARBIYA VA SPORT TURLARINING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK JIHATLARI

<i>Nurmamatova S., To'laganova S.</i> YOSH SPORTCHI QIZLARNI BADIY GIMNASTIKA BILAN SHUG'ULLANISH MOTIVINI ADABIYOTLAR TAHLILI ORQALI O'RGANISH	191
<i>Dexqonov A.</i> SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI	193
<i>Sultonov A.</i> BELBOG'LI KURASHCHILARNING TEXNIK-TAKTIK TAYYORGARLIGI	196
<i>Akmuradov M.</i> DZYUDUCHILARNING SPORT NATIJALARIGA PSIXIK JARAYONLARINING (SEZGI) TA'SIRI	199
<i>Kasimova G., Bo'ronova G.</i> BOG'CHA YOSHIDAGI BOLALARDA BILISH JARAYONLARINI RIVOJLANTIRISHDA SHAXMATNING AHAMIYATI	202
<i>Turg'unova Sh., Nazarov R.</i> YANGI O'ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLAR SPORTI RIVOJLANISHINI O'RGANISHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI	204
<i>Султонов А.</i> БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	206
<i>Tursunova Z.</i> BO'LAJAK SPORT MENEJERLARINING RUHIY VA FUNKSIONAL HOLATINING XUSUSIYATLARI	201
<i>Nazarova S.</i> GIMNASTIKA MASHG'ULOTLARINING USLUBIY TAMOIYILLARI HAMDA ULARNI AMALGA OSHIRISH YO'LLARI	213

**“MAMLAKATIMIZDA JISMONIY TARBIYA VA
OMMAVIY SPORTNI RIVOJLANTIRISHNING
ILMIYUSLUBIY ASOSLARI”**

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

**Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Sportchilar ko‘chasi, 19-uy
2024-yil 23-oktyabr**